

Узбекистон Республикаси
Кашкадарё вилояти
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМНИЯТ ШАКЛИДАГИ
"AUDIT-HISOB MARKAZI"
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

*Юридик манзил: Кашкадарё вилояти, Карши шаҳри, 180100, Мустақиллик-2, тел. +99891-4603010
Лицензия: Аудиторлик фаолияти бўйича МВ тинг 2008 й. 14 мартдаги АФ №00376 рақамли лицензиясига эга.*

**«Касби пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг
2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботига**

**ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

*Буюртмачи : «Касби пахта тозалаш» акциядорлик жамияти
СТИР рақами: 200699612
Манзил: Касби тумани, Муллои кишлоғи.*

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Кашкадарё вилояти, Карши шаҳри, 7-мигтитуман, 8/27-уйда жойлашган, СТИР рақами 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банки Кашкадарё филиали, МФО коди 00150, Х/р. 20208000104153882001) директори (аудитор) Эргашева Зебо Эшмурадовна (аудитор малака сертификати рақами № 4364, МВ томонидан 11.06.2007 й. берилган) томонидан «Касби пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг баланс, молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботдан иборат 31.12.2016 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувидан утказдим.

Хужалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хужалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги утказилган утказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Касби пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботида аудиторлик текширувидан утказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ утказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб қурсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга булишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва утказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини утказишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, «Касби пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-ҳужалик фаолияти натижаларини ҳаққоний асос эътиради ва бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ РАҲБАРИ,
АУДИТОР : -**

З.ЭРГАШЕВА

2017 йил, 26 апрел

